1957 йилдан хотин-қизлар клуби шаҳар Маданият уйи деб номланди. Биринчи пионер Иноғом Асомов иштирок этган В. И. Ленин номидаги Бутуниттифок пионер ташкилотининг 57 йиллигига бағишланган болалар нечаси Маданият уйи бийосида ўтган бўлса, «Шарқ аёли бугунги кунда» деб номланган кеча эса «Гайрат» маҳалласида ўтказилди. Унда СССР халқ артисти Луфтихоним Саримсо-қова ва Ўзбекистон ССР халқ артис-ти Оминано Фаёзовлар қатнашиш-ди. Улар маҳалла аёллари билан дил-дан суҳбатлар қурдилар. Шу каби тадбирлар яна «Пўшти ҳаммом», «Калинин», «Мулоҳаза», «Қурилиш», «8—Март» маҳаллаларида ҳам бў-либ ўтди.

Шаҳар Маданият уйида С. Раҳимов район маданият ҳодимлари учун ме-тод кабинет ташкил этилган бўлиб, у плакат ва қўлланмалар билан жиҳоз-ланган. Метод кабинетга турли район ва шаҳарлардан маданият ҳодимлари, бўлим бошлиқлари, маданият уйи ди-ректорлари ва методистлар келиб ту-ришарди. Улар бу ерда ўзаро тақриба алмашиб, методик маслаҳатлар оли-шарди.

1960 йилдан буён Маданият уйи Тошкент Давлат маданият институ-ти, Республика маданият ҳодимлари малакасини ошириш институти ва маданий-оқартув техникуми талаба-лари учун тақриба ўқоғи ҳисобланади. Талабалар олган назарий билимлари-ни Маданият уйида практика дари-да амалий тадбиқ этиб, тақриба ор-тирдиладилар.

Маданият уйи директори Шоира Шораҳмедова айтганидек, келгусида бу маскан янада гавжум ва кўракм бўлади.

Ғуломназир РАИМОВ,
Мавлуда ҒОҒУРОВА,
Ўткир ОБИДОВ.

СУРАТДА: маданият уйи қош-даги бичиш-тиқиш тўғраида.
Э. Мухаммаджонов фотоси.

лари куйчиси сифатида шуҳрат қозонди. Шу йилларнинг ўзидеёқ Муҳид-дин Қориеқубов Фарғонадаги Ҳамза ташкил этган театр гру-ппасининг асосий ролларини ижро этадиган етакчи актёри сифатида ҳам ном қозонди. У даставвал ижро этган «Бой ила хизматчи»-даги бой, «Фарғона фожияси»даги Фотих, «Тўхматчилар жазоси»да-ги Қосимжон роллари томоша-бинлар меҳрини қозонди, улар хотирасида чўқур из қолдирди. Зеро, ушбу асарлар қаҳрамон-лари эскиликка ўт очарди, зугум ва истибодга, исончи хўрлашга қарши исён кўтарарди, овозлиққа чорларди.

1919 йилда, гражданлар уру-шининг машаққатли паллаларида, агитацион поездлар составида М. Қориеқубов ўзининг жўшқин агитатор-актёрлик фаолияти бил-лан ёш советлар мамлакатаи душ-манларини тор-мор қилиш ишига катта ҳисса қўшди. Шу йили у Ленин партияси сафига аъзо бўл-ди.

Фарғона группаси шу вақтлар-даёқ Тошкентда ҳам гастролда бўлганда ва у намоийиш этган «Лотмон фожияси», «Ким тўғри?» каби саҳна асарларида М. Қориеқубов бош ролларини ижро этди. Бу группа қўшнча шаҳарлардаги меҳнатчиларга, ҳарбий хизмат-чиларга ватанпарварлик руҳида махсус программада томошалар намоийиш қилди.

Санъаткор кўп вақтлардан бери Москвага бориб ўқиниш оруз қиларди ва унинг бу нияти 1928 йилда куртак ёлди. У дастлаб пойтахтдаги В. Э. Мейерхольд студиясига, сўнгра эса Марказий театр санъати билим юртига қўшишга кириди ва ўзининг воқал-ижрочилик маҳоратини, актёрлик санъатини камол топтирарди.

Москвада ўқиб юрган паллала-рида М. Қориеқубов Владимир Маяковский, Николай Асеев, Южнин, Обухова, Нежданова каби машҳур адабиёт ва санъат намоён-чалари билан бирга ўқиб кон-цертларда қатнашарди, Ўзбек халқ куйлари ва қўшиқларини кенг тарғиб қиларди. Мана шундай концерт ҳамда «Шарқ кеча»лари-да қўшнча таниқли партия ва давлат арбоби А. В. Луначарский қатнашарди ва СССР халқлари-нинг ҳамдўстлиги ҳақида оташин сўзлар билан ушбу кечаларни суз-лашқан бўлишарди.

Муҳиддин Қориеқубов музика ва театр санъатининг равнақ топтиришдаги, халқ маданий ме-росини кенг тарғиб қилгани учун 1923 йилда Туркистон респуб-

Уттизинчи йилларда клуб қошида СССР халқ артисти Наби Раҳимов раҳбарлигида 9 кишидан иборат дра-ма тўғраида ташкил этилди. Драма тўғраидаги қизиқш жуда катта бўлиб, тез кунда иштирокчилар сонин 30 га етди. Ҳаваскор актёрлар эса 1-дара-жали Мақтов ёрлиги билан тақдир-ландилар. 1959 йили тўғраида етук

Маданият

муассасаларида

Олтмиш йил сарҳисоби

коллектив даражасига кўтарилди ва у Маданият министрлигининг кол-легияси қарорига биноан халқ театри деган юксак даража сазовор бўлди. Бу эса Ўзбекистонда биринчи халқ театри бўлиб қолди. Ўша вақтда те-атрга Гани Муродов раҳбарлик қилар эди. 1961 йилдан то шу кунгача Маданият уйи халқ театрига режиссёр Шавкат Умаров раҳбарлик қилиб ке-ляпти. Ҳозирги кунда халқ театрида ўттиздан ортиқ турли касб аъгалари — студент ва ишчи-ёшлар қатнашмоқда. Улар маданият ва иштроҳат боғлари-да, корхона ва турар жойларда меҳ-натчилар ҳузурида бўлиб, ўз маҳо-ратларини намоийиш этмоқдалар. Ҳаваскор актёрлар театр репертуарида-ги Х. Нутмон, А. Шораҳмедовлар-нинг «Ота» романи асосида саҳналаш-



Ҳар тўғрида

Энг жинззаки одамлар

Ер курашдаги энг сернаҳл, жинззаки одамлар — иш-лайдиган аёллардир.

Уй бекларининг наҳли намо-иш чинида, эрилардан эса наҳли чинидаги билдирмас-ликка ҳаранат қилишарди. Ма-ҳаллий матбуотнинг ҳабаб қилишича, Биринкием уни-верситетининг психолог олимлари ана шундай ҳулосага келди-лар. Улар ўтказилган тадқи-қотлар натижасида наҳл чи-

қинининг 320 «турини» аниқ-ладилар. Маълум бўлишча, одамлар ўзларининг қадр-қим-матини ва меҳнати натижа-ларини камситишга уринилган-да тез-тез газабланиш эканлар. Ойда бир мартагина чинакам наҳли чинидаган одамлар ҳам бор, бошқалар эса кунинга 6, 10 ва ҳатто 12 марта даргазаб бўлган экан. Олимлар унинг-сини ҳам, бунинсини ҳам нормал деб ҳисобламандилар.

Уларнинг фикрича, гап фақат одамларнинг темпераменти тур-личилигида эмас, эрроғдаги ваэинт ҳам таъсир қиларди. Бугун кечкурун чарчаганлиги-дан энг узингизини ёмон ҳис-этайтганлигини эс учун наҳли-ми гизини чинарган нарсга эртага эрталаб фақат кулги уйғотиши мумкин. Ўз асабингизини бошқаларнинг асабини эхтиёт қилиш учун психологлар

«наҳлини камайтириш»нинг ин-дивидуал методларини тавсия қилимоқдалар. Баъзилар ўзини босиш учун ўғачча санамини афзал кўради, бошқалар чўқур нафас ола бошлайди, учинчи тоифадаги ишчилар қисқа муддатли сайрдан сўнг тинч-ланадилар. Чамаси, наҳлини камайтириш энг тўғри усу-ли — ҳаҳолаб кулишдан ибо-рат.



Республикамиз пойтахтидаги бири биридан кўракм бинолар шахримиз ҳўсинга ҳўси кўшиб турибди.

К. Павлов фотоси.

Журналларнинг янги сонларида

«Мухбир» — «Корреспон-дент» журналнинг бу йилги охирига — ўн иккинчи сонин босмадан чиқди. Бу сон «Кай-та қуриш: ҳаракат қилиш даври» рубрикаси остида «Правда Востока» газетаси-нинг шарҳловчиси Г. Клячкин-нинг «Танқиднинг сарфарб қилувчи сўзи» сарлавҳали ма-қоласи билан очилиб, унда журналнинг «Сизда ўзгариш-лар борми!» рубрикаси ости-даги суҳбатга яқун аслаган. «Акс садо» рубрикаси ости-да журналнинг олтинчи сонида босилган «Кувончиз, инҳом-дан руҳланман!» сарлавҳали мақолага «Хорезмская прав-да» газетасининг редактори Н. М. Агапкининг муқаммал жавоби эълон қилинган.

«Хўшёрлик: янги ва эски муаммолар» сарлавҳали ма-

қола журналнинг Хўшёрлик учун кураш республика кўн-гилли жаъияти билан бирга-ликда ташкил қилган «Давра суҳбати» материалларига ба-ғишланган.

«Таъвич ва умидин излаб» сарлавҳали мақола атоқли ёзувчи Чингиз Айтматов та-валлудининг 60 йиллигига бағишланган. А. Никоненко-нинг «Ҳаминша жанговар саф-да» мақоласи эса «Фрунзе-вец» газетасининг 70 йилли-гига аталган.

Ю. Поповнинг «Қура қир-ғокларидеги учаршувлар» сарлавҳали мақоласида «Еш-лар матбуотининг халқроқ фестивали» тўғрисида сўз юритилган. Г. Гафуровнинг «Кўп миллатли ҳарбий қис-да» сарлавҳали мақоласи эса «Биз — интернационалист-

ларимиз» рубрикаси остида бо-силган. Ҳамза номидида санъатшу-нослик институтининг аспиран-ти Т. Қобилжоновнинг «Пла-кат олгилар, акалпарастлар ва бюрократларга қаршн ку-решда» сарлавҳали мақоласи «Графика — саттра курули» рубрикаси остида босилган.

Журналнинг бу сонида «Мухбир» журналда 1988 йилда эълон қилинган мате-риаллар кўрсаткичи берилган. Булардан ташқари бу сонда «Интернационал алоқалар», «Туристик маршрутлар бўй-лаб», «Редакция почтасидан», «Китоб жавони», «Фоторепор-таж», «Изланиш клуби», «Ин-формация», «Корректор ён дафтаридан» ва бошқа руб-рикалар остида ҳам бир қи-тор материаллар эълон қи-линган.

Оғаҳийга бағишланади

Яқинда Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг Х. С. Сулеймонов номидида Кўл-эзмалар институтида атоқли Ўзбек шоири, таржимон ва тарихчи олим Мухаммад Ризо Оғаҳий меросини ўрганишга бағишланган кенгайтирилган илмий кенгаш бўлиб ўтди. Бу йилги илмий анжуман буюқ адаб таваллудининг 180 йиллигига таъйёрларлик руҳи-да ўтди.

Илмий анжуманини институ-тин илмий ишлар бўйича ди-ректор ўринбосари, филоло-гия фанлари кандидати Э. Т. Аҳмаджўеве кириш сўзи би-лан очди. У Оғаҳий илмий ме-росини ўрганишнинг аҳа-мияти, тўлиқ асарлар тўла-мини нашр этишнинг зарур-

лиги, келгуси режалар ҳақида сўзладди. Илмий анжуманда Ўзбекис-тон ССР Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номиди-да Шарқшунослик институти-нинг бўлим мудири, тарих фанлари кандидати, кўп йил-лардан буён Оғаҳий ижодий ме-роси билан шуғулланиб келаятган олим К. Муниров «Оғаҳий биографиясиге доир бир маълумот» ҳақида илмий маъруза қилди. Докладчи Оғаҳийнинг ягона нусхада сақланиб қолган «Шоҳиди ик-бол» тарихий асари юзасидан олиб бориш тақдиротлари на-тижасида аниқланган шоир биографиясига оид муҳим маълумот билан таништирди.

Илмий кенгашда сўзга чиқ-қан институт олимлари Оға-ҳий асарларини нашрга тай-ёрлашда бизга қодар етиб келган қўлэзма нусхаларга асосланиш, шоир асарлари-нинг тўлиқ лугатини тузиш ва нашр этишга, ўша давр тили хусусиятларига жавоб бере-диган тилда чоп этириш, айрим алоҳий асарлардан республика матбуотида мун-тазам бериб бориш, адаб асарларининг тил хусусия-ларини ўрганиш каби тақлиф-ларни киритдилар.

Илмий анжуман юқоридеги тақлифлар асосида Оғаҳий асарларини ўрганиш, нашр этиш, оммалаштириш бораси-да бир қатор муҳим қарор-лар қабул қилди.

З. ИСЛОМОВ,
илмий ҳодим.

Тошкент оқшоми 3-бет.

Байрамга тайёрланянимиз



Қувончи ташвишлар пайти келди. Ҳамнинг ҳаёли байрам либоси, қариндош-уруғларга, ёру-дўстларга қандай совға қилиш билан банд. Ҳамнинг истак ва орзулари, эзгу-ниятлари Янги йил билан боғлиқ. Шундай экан, Янги йил совғаси сизга бахт келтирадиган чинакам Янги йил турмори бўлиб қолсин.

Бош универсал магазин шу кунларда ниҳоятда гавжум, байрам савдоси авжида. Магазин секциялари байрамга хос безатилган. Харидорлар ҳам, сотувчилар ҳам ҳаяжонда.

Байрам оқшомида хотин-қизлар айниқса жозибали, дилбар кўринишни истайдилар. Бунда уларга бежирим либос, яхши турмакланган сочини эмас муносиб танланган атир, упа-элик, безаклар ҳам ёрдам бериши мумкин.

Бу йилги мавсумда мода нималарни таъқозо этади? У нисбатан демократик руҳда бўлиб, бир ансамблда турли шакл ва кўринишдаги қатор безакларнинг қўлланилишига йўл қўяди. Бош универсал магазин-

дан сиз модадаги зеб-зийнат буюмларини — ҳар хил пластмасса, шиша ва металлдан ясалган тақинчоқларни харид қилишингиз мумкин.

Энди ёру-дўстларга, қариндош-уруғларга совға танласа бўлади. Уларга совға таянлаш ҳам осон эмас — ҳар бирининг диди ва қизиқлигини инобатга олиш керак. Сизларга тайёр совға термаларига эътибор беришни маслаҳат қилардик. Ҳумладан, эркакларга электр устара, қўйлақ ёки талсук, хотин-қизларга — атир-упалар, чиройли шарф, рўмол яхши совға бўлиши мумкин.


Совғаларни сиз ўз дилингизга қараб бошқа буюмлардан танласангиз ҳам бўлади. Сизга совғалар бўлимида тўқилган қўтичаларни, ёғоч ва металлдан ясалган эсдалик буюмларини, гулдор сўзана ва дўппиларни тавсия этишадик.

ГУМ Охунбобоев номидаги майдонда жойлашган.

30 ва 31 декабрь кунлари магазин соат 9 дан 21.00 гача ишлайди.

ГУМ (42-77-39).

Дудланган балиқдан тайёрланадиган уч хил таом



Дудланган балиқдан тайёрланган салат

Бунинг учун 300 грамм иссиқ дудланган балиқ, 300—400 грамм сувда пиширилган картошка, 150 грамм тузланган бодринг, олма, 50 грамм оқ ва қўқ пивз, 80 — 100 грамм майонез, шакар, горчица, лимон шарбати олинади.

Балиқнинг пўсти ва қилтаоқлари тозаланиб, нимталарга кесилади. Пўсти артилган олма, бодринг, сувда пиширилган картошка тўртбурчак шаклида тўғралади. Уларнинг ҳаммаси майонез, горчица, туз, бир чимдим шакар ва арим чой қошиқдаги лимон шарбати билан қорилиди. Ҳосил бўлган таом идишга ёки салатдонга солиниб, кўкатлар билан ёки тўғраланган кўк пивз, редиска, тухум билан безатилади.

Салатни сувда пиширилган, тўртбурчак

шаклида тўғраланган тухум қўшиб тайёрлаш ҳам мумкин.

Бутерброд ясаш учун нон юпқа қилиб тўғралади. Бутерброднинг усти кўкатлар, тузланган бодринг ёки помидор бўлаклари билан безатилади, ликопчадан олиш қўлай бўлиши учун ўртасига чўп тиқиб қўйилади. Бутерброд учун дудланган дўнпешона балиқдан қўйидаги паста тайёрласа ҳам бўлади: 200 грамм балиқ, 2—3 донга сувда пиширилган тухумни тўшт қиймалагичдан ўтказиб, кўк пивз қўйилади. Бироз туз қўшиб, сариёғда (100—150 грамм) қорилиди. Паста нон бўлагига суртилиб, устига паракланган сувда пиширилган картошка ёки тузланган бодринг, кўк петрушка қўйилади.

Фрунзе райпишчторги (53-27-29).

«Уют» кооперативни таклиф қилади

Кооператив мутахассислари қурилиш, шахсий уй-жойларни реконструкция қилиш ишларини тез ва сифатли адо этадилар. Барча ишлар кооператив ва буюртмачи материаллари эвазига бажарилади.

«Уют» кооперативига 4—5 кишидан иборат умумий қурилиш ихтисосидаги бригадалар ва слесарь-сантехниклар таклиф қилинади.

«Уют» кооперативининг адреси: 1-

Пушкин проезд, 6-уй. Телефон 33-20-52.

Маълумотлар ва ишга йўлланмалар олиш учун қўйидаги адресларга мурожаат қилишингиз мумкин: Космонавтлар проспектидаги 6-уйга, Ишга жойлаштириш марказига ва К. Маркс кўчасидаги 59-уйга — Қуйишев рай-он бўлимига.

«Уют» кооператив.

«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ бирлашмасининг

Ўзбекистон агентлиги.

Ўзбекистон ССР Маданият министрлиги
А. НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕКИСТОН ССР
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИНИНГ
МАКТАВ УЎҚУВЧИЛАРИНИНГ КАНИКУЛ
КҮНЛАРИДАГИ

РЕПЕРТУАР ПЛАНИ

1 январда — Гузал Василса (17.00).
2 январда — Гузал Василса (12.00), Иоланта (17.00).
3 январда — Иоланта (12.00), Золушка (17.00).
4 январда — Золушка (12.00), Аловиддиннинг сеҳрли чироғи (17.00).
5 январда — Аловиддиннинг сеҳрли чироғи (12.00), Копеллия (17.00).
6 январда — Копеллия (12.00), Севилья сартароши премьераси (17.00).
7 январда — Севилья сартароши премьераси (12.00), Уйқудаги гузал (17.00).
8 январда — Уйқудаги гузал (12.00), Евгений Онегин премьераси (17.00).
9 январда — Евгений Онегин премьераси (12.00), Богчасарой фонтани (17.00).
10 январда — Богчасарой фонтани (12.00), Зебунисо (17.00).
Билетлар соат 10 дан 20.00 гача театр кассаларида сотилади.
Коллектив бўлиб тушиш учун буюртмалар қабул қилинади.
Мурожаат учун телефон: 33-90-81.

ЎЗБЕК ДАВЛАТ «ВШ ГВАРДИЯ» ДРАМА
ТЕАТРИДА
ТЕЗ КУНДА

Ш. Холмирзаев асари

ЗИЁФАТ

2-пардали драма

Постановкачи-режиссёр — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, Ўзбекистон Ленин комсомол мукофоти лауреати Баҳодир ЙҮЛДӨШЕВ.
Рассом — Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган санъат арбоби, СССР Давлат мукофоти лауреати Георгий БРИМ.
Ролларда: Ўзбекистон ССР халқ артисти П. Саидқосимов, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган артист Э. Комилов, артистлар: Е. Саъдиев, Х. Нурматов, Д. Каримова, Г. Раҳимова, Ж. Усмонов, М. Дўсмаев, Н. Абдувоҳидова, А. Абдурахмонов, Г. Каримова, М. Матчонов.

Ўзбекистон ЛКСМ Тошкент область комитети ҳузуридаги
ОБЛАСТ «ДИЕР» ЁШЛАР МУАММОЛАРИНИ
МУВОФИҚЛАШТИРИШ МАРКАЗИ

«ЯНГИ ЙИЛ ТАБРИГИ БИЛАН» уйга совғалар
келтириб бериш учун

ХУСУСИЙ БУЮРТМАЛАР
ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Сизларни Қоробо ва Қорқиз билан учрашувлар
кутади.
Справкалар учун телефон: 32-38-96.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
«ВОДОКАНАЛ» ТРЕСТИ
ШАҲАР КАНАЛИЗАЦИЯ ТАРМОҒИ
БОШҚАРМАСИНИНГ
АБОНЕНТ ХИЗМАТИ
1989 йил 1 январдан

шаҳар канализация тармоғига уланган хусусий уй
эгалари ҳовли канализацияси шохобчаларидаги авария
ифдосланишларини бартараф этиш ва профилактика иш-
ларини амалга ошириш юзасидан пулли хизмат кўрсат-
тишга киришадик.
Кўрсатилган хизмат учун ҳақ қўйидаги адресда жой-
лашган бошқарма кассасига ўтказилади: Тошкент шаҳри,
В. Маяков кўчаси, 7-уй.
Буюртмалар қўйидаги телефонлар орқали қабул қи-
линади: 35-61-83, 35-40-11, 35-61-16.

Н. ОСТРОВСКИЙ НОМИДАГИ ШАҲАР ПИОНЕР ВА
УЎҚУВЧИЛАР САРОИИ
(Пушкин кўчаси, 69-уй — метронинг «Ҳамид Олимжон»
станцияси)

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ўқув-тарбия ишлари бўйича директор ўринбосари,
техника ижодиёти, рационализаторлик ва ихтирочилик
бўлимининг мудири, бадий ижод ва эстетик тарбия бў-
лимининг мудири; Ўзбек тилидаги драма тўғрисида раҳ-
бар, Ўзбек тилидаги маданий ишлар ташкилотчиси, ўз-
бек ва рус тилларида комсомол билан ишлаш методист-
лари.

Аҳоли диққатига!

КИБРАЙ ЧАНҚОВБОСДИ ИЧМЛИКЛАР
КОМБИНАТИ

алкоголсиз турли хил ичимликлар, минерал сув ва
пиво ишлаб чиқаришни ўзлаштириш ва уларни қўллаб
қўллашда чирмақорда.

Аммо юқори ишлаб чиқариш унумдорлигига эга
бўлган чет эл ва мамлакатимизда ишлаб чиқарилган
ишчиларга ичимликларни қўйиш линиялари 0,33 ва 0,5
литр сингидидаги ишчи идишлар етарли миқдорда мавжуд
эмаслиги тўғрисида бир текисда ва тўла қувват билан иш-
лай олмаётгани. Чунки, полнотелен идишларига ҳам
эҳтиёж катта. Вақолаки, улар сизнинг рўзгорингизда
анча мунча тўланиб қолган.

Сизларнинг салқин ичимликларга бўлган доимий
эҳтиёжларингизни тўлароқ қондириб мақсадда сизлар-
дан ўз ихтиёрингизда бўлган кераксиз ишчи идишларни
магазинларга топширишларингизни сўраймиз.

Савдо корхоналари сизлардан ишчи идишларни чек-
ланмаган миқдорда қабул қилиб оладилар.
Комбинат ҳузурида «Ором» фирмалли магазини иш-
лаб турибди, у чунки сизлардан 0,33 ва 0,5 литр си-
нгимли ишчи идишларни қабул қилиб олади.

Мабодо сизлардан ишчи идишларни қабул қилиб олин-
маган тақдирда мазкур магазин номини ва у қайси
райпишчторг ёки қайси савдо корхонасига қарашлилигини
бизга маълум қилинг.

Бизнинг телефонлар: 62-18-32, 62-34-70.

ТАШКИЛОТЛАР, МУАССАСАЛАРНИНГ
РАҲБАРЛАРИ ВА АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!

Алмал Икромов район суғориш объектларини ремонт
қилиш ва сақлаш, кўлакамзорлаштириш бўйича
1-ихтисослашган бошқармаси

ҚУНИДАГИ ХИЗМАТЛАРНИ КЎРСАТАДИ:

— мева, манзарали дарахтлар ва буталарни, чой
гибрид атиргул кўчатларини ўтказиш;
— дарахт шохларига шакл бериш, оғзиник ва мине-
рал ўғитлар солиш;
— темир-бетон ариқларни ремонт қилиш ва ётқизиш.
Бакарилган иш учун преёскурантга кўра нақд пул
тарзда ва пул ўтказиш йўли билан ҳақ тўланади.
Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, А. Икромов
райони, Ю. Саккокий кўчаси, 3-уй. Телефон: 74-89-74.

Яхши хотира
бўлиб қолсин!

«Зебра» торти

Бунинг учун 5—6 донга тухум, 200
грамм сметана, 200 грамм маргарин, 2
стакан шакар, сода, туз, икки-икки ярим
стакан ун олинади.

5—6 донга тухумнинг фақат оқини бир
стакан шакар билан йилаймиз. Бошқа бир
идишга тухум сариқларини солиб, бир
стакан шакар билан йиланади. Сўнгра
тухум оқлари ва сариқлари аралаштири-
либ, сметана, сиркада эритилган ярим чой
қошиғида сода, ун, эритилган маргарин
қўйилади.

Хамир икки зувалага акритилади, улар-
дан бирига икки чой қошиғида какао қў-
йилади. Тез-тез икки қошиқ билан на-
батма-набат ҳар икки қоршмадан ёғли
товасга қўйилади. Хамирни тованинг ўрта-
сига, бир нуқтага қўйиш керак. Шунда
тортининг гулли чиройли чиқади. Товани
тезда духовкага жойлаб, 40 минут ушла-
нади.

«Зебра» торти пишиб етилгач, уни ду-
ховкадан олиб, совутилади ва устидан
шира қўйилади. Шира қўйидагича тайёр-
ланади: 3 ош қошиғидаги сутни кружкага
солиб, 3 ош қошиғида шакар қўшамиз ва
алангага қўямиз. Сўнгра 50 грамм сариёғ,
2 чой қошиғида какао қўшиб бўтқа ҳоли-
га келгунча аралаштириб туриб, қайната-
миз. Тайёр бўлгандан сўнг бироз сову-
тиб, тортининг устига қўямиз.

Байрам дастурхонига ўрама пироженое
тортиш ҳам қандай яхши. Уларни тайёр-
лаш ҳам қийин эмас.

Кастрюлкага 1 стакан сув қўйиб уни қай-
натамиз, бироз туз, 100 грамм маргарин
қўшиб, устига бир стакан ун соламиз.
Тез-тез қориб туриб, уни соватамиз. Ҳа-
мир соватигандан сўнг кетма-кет бешта
тухум қўшиб, яхшилаб қорамиз.

Ўрама хамир юмшоқ бўлганлиги учун
унга шакл бериш осон эмас, шунинг
учун хамирни қозондан ясалган воронкага
солиб, устини беркитиб кичкинагина те-
шикдан ёғ суртилган товасга 10—12 см.
узунлиқдаги қаламча шаклида сиқиб чи-
қарган маъқул. Уни ўртача аланга ёқилган
духовкага 30—40 минутта қўямиз. Сову-
тиб ўткир пичоқ билан ҳар бир пироженое
ичига қозғ воронкада крем солиб чиқила-
ди.

Крем қўйидагича тайёрланади: 4 донга
тухум, юпқа стандада шакар, 2 ош қоши-
ғида ун ва икки стакан сут олиб, қайнаб
чиққунча алангада ушлади, сўнгра тин-
дирилади. Унга 200 грамм сариёғ қўши-
либ, ўрама учун мўлкаланган крем бил-
ан аралаштирилади.

Ана шу таомларни тайёрлаш учун сизга
албатта маргарин керак бўлади.

«СЛИВОВИЙ», «СТОЛОВИЙ», «ЛО-
БИТЕЛЬСКИЙ» маргаринларини сиз
Фрунзе райпишчторги магазинларидан
харид қилишингиз мумкин. Уларнинг ба-
ҳоси — 26, 28, 32 тиғи.

ФРУНЗЕ РАЙПИШЧТОРГИ (53-27-29).
«Союзторгреклама» Бутуниттифоқ
бирлашмасининг Ўзбекистон агентлиги.

СССР Электротехника саноати министрлигининг
«СРЕДАЭЛЕКТРОАППАРАТ» ИЛМИЙ-ИШЛАБ
ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИ

«Средэлектрораппарат» илмий-ишлаб чиқариш

бирлашмасининг бош директори —

Тошкент электротехника заводи директори вазиасига

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Конкурсда олий техника ёки инженер-иқтисодчи маъ-
лумотига эга бўлган, ёши 50 дан ошмаган, шунингдек
ламуз соҳада раҳбарлик лавозимларида камида 5 йил
ишлаган, саноат ишлаб чиқариши экономикасида яхши ҳа-
бардор бўлган кишилар қатнаша оладилар.

Конкурсда қатнашиш учун қўйидаги ҳужжатларни
топиштириш зарур: ариза, кадрларни ҳисобга олиш шахсий
варакеси, таржимаи ҳоли, маълумот ҳақидаги дипломининг
нужаси, сўнгги иш жойидан характеристика.

Конкурс мuddати — эълон чиққан кундан бошлаб
бир ой.

Ҳужжатлар қўйидаги адресга жўнатилади: 700105,
Тошкент шаҳри, Манжара кўчаси, 1-уй, кадрлар бўлими.
Телефонлар: 91-29-83, 91-20-45.

вакант вазифаларга

КОНКУРС ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитети

трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармасининг

ўқув комбинати

ТРАМВАЙ ВА ТРОЛЛЕЙБУС ҲАЙДОВЧИЛАР

КУРСЛАРИГА

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Трамвай ҳайдовчилар учун ўқини мuddати — 5 ой.
Ўқиниша қирувчиларнинг ёши 20 дан кичик бўлмаслиги
лозим, троллейбус ҳайдовчилар учун ўқини мuddати —
6 ой, қўнғига қирувчиларнинг ёши 21 дан кичик бўлмас-
лиги лозим.

Стипендия — ойига 70 сўм.

Курсларга қабул қилинганлар трамвай ва троллейбус-
ларда бепул қатнайдилар.

Елғиз кишиларга ётоқхонадан жой берилади.

Қўйидаги адресларга мурожаат қилинсин:

1-трамвай депоси — Гайдар кўчаси, 50-уй.

2-трамвай депоси — Г. Гулом кўчаси, 57-уй.

«Красновосточный» депоси — Красновосточный кўча-
си, 3 «а»-уй.

1-троллейбус депоси — Т. Шевченко кўчаси, 28-уй.

2-троллейбус депоси — Пионер кўчаси, 4-уй.

ТТТУП ўқув комбинати — Новий путь кўчаси, 180 «а»
уй.

Машҳулотлар — группаларнинг комплекташувига
қараб бошланади.

МИНИСТРИКЛАР,
ИДОНАЛАР

КОРХОНАЛАР ВА

ТАШКИЛОТЛАРНИНГ

РАҲБАРЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

«ТАШҚОРГЛАВНАБ»

қурилиш материаллари,

эҳтиёт қисмлар, металл маҳ-

сулотлар етказиб бериш бў-

йича олинган моддий-техника

ресурслари учун

шошилинч равишда ҳисоб-

китоб қилишни

ТАКЛИФ ЭТАДИ.

Қарзларни тўла узамагунча
қадавр бошқа материалларни
етказиб бериш тўхтатиб қў-
йилади.

Айни бир вақтда, 1988
йил фондлари реализацияси-
ли шу йилнинг 30 декабри-
гача бўлган мuddатда адо
этишни таъминлашни сўрай-
миз.

Адрес: 700096, Тошкент
шаҳри, Г. Гулом кўчаси,
6-уй.

АВТОМОБИЛЛАРНИНГ

ЭЪЛОРИ ДИҚҚАТИГА!

Агарда сиз ВА3, «Моск-

вич» ва «ГАЗ-24» автомобил-

ларингизни тез ва сифатли
ремонт қилдирмоқчи бўлсан-

гиз

«ОНИКС»

КООПЕРАТИВИГА

мурожаат қилишингизни мас-

лаҳат берамиз.

Адрес: Тошкент шаҳри,

Стародубцев кўчаси, 245-уй

(25-автотбус, 2, 10-трамвай-

ларнинг «Транспорт инсти-

тутти» бекати).

Буюртмачининг хоҳиши-
га кўра ремонт автомобиль-
эгасининг уйда ҳам амалга
оширилиши мумкин.

Буюртмалар — 91-15-86
телефонни орқали соат 16
дан 19.00 гача қабул қили-
нади.

НАВОЙИ НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА

ТЕАТРИДА — 28/XII де Се-

вилья сартароши, 29/XII де

Анна Каренина.

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК

ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА

ТЕАТРИДА — 30/XII де Олтин

девор.

МУҚИМНИ НОМИДАГИ ЎЗ-

БЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ

ТЕАТРИДА — 28/XII де Зул-

дир, 29/XII де Ака-ука совчи-

лар.

28 ДЕКАБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Чайка — «СЕНИНГ БИЛИ-

ШИНГИ БИЛАМАН» (тоқ соат-

ларда); «ЖАЗДА ФАҚАТ

КИЗЛАР» (тоқ соатларда).

Ватан — «КАПУЦИНЛАР

ХИБОНИДАГИ КИШИ» (19.00);

«АВИЦИЯ ҲАЛОКАТИ ҲАЗИ-

НАСИ ТОМОН» (17, 20.45).

Нукус — «КИНГ-КОНГ»

(18.30, 20.45).

Москва — «АМАДЕЙ